

## АВСТРИЯ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни Австрия Республикасининг Европа ва ташқи ишлар федерал вазири Беате Майнл-Райзингер ва ички ишлар федерал вазири Герхард Карнердан иборат делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмонлар давлатимиз раҳбарига Австрия Федерал Президенти Александр Ван дер Белленнинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди. Икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги мулоқотлар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш 3 баробар ошди. Қурилиш материаллари, тоғ туризми, соғлиқни сақлаш, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, банк-молия ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари жадал амалга оширилмоқда. Хукуматлараро комиссия самарали фаолият юритмоқда. Ушбу ташриф доирасида қўшма бизнес-форуми муваффақиятли ўтказилди, меҳнат миграцияси, дипломатик хизмат ва солиққа тортиш соҳаларида муҳим битимлар имзоланди.

Маданият ва таълимда ҳам алмашинувлар кенгайиб бормоқда. Олий даражада тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритилар экан, терроризм, одам савдоси, наркотрафик ва киберхўжаликларга қарши курашни соҳасида мунтазам ахборот алмашиш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

## ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ҲАРБИЙ КАДРЛАР — МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва армияни рақамлаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Кейинги йилларда дунёда юз бераётган қуролли можароларда учувчисиз учадиган аппаратлар, роботлашган тизимлар, радио-электрон кураш воситалари ва замонавий бошқарув технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса нафақат қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни янгилаш, балки янги авлод мутахассисларини тайёрлашни ҳам тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Қўшинларда дронларни жанговар қўллаш ва уларга қарши курашуви янги бўлиналар ташкил этилиб, учувчисиз учадиган аппаратлар операторлари, муҳандислар ва робототехника мутахассисларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Тақдимотда давлатимиз раҳбарига мазкур мобил бўлиналар фаолияти ҳамда ушбу йўналишда мутахассислар тайёрлаш тизими юзасидан ҳисобот берилди.

Ҳарбий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда Президентимиз ташаббуси билан мазкур соҳани ривожлантириш, замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга ҳарбий кадрларни тайёрлаш чоралари кўрилди. Натижада барча олий ҳарбий таълим муассасаларига институт мақоми берилиб, ягона вертикал бошқарув тизими яратилди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Замонавий жанговар ҳаракатлар, қўшинлардаги реал эҳтиёж ва илгор олий таълим муассасалари тажрибаси асосида янги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари жорий этилмоқда. Тайёрларик назария ва амалиётни уйғунлаштириш тамойили асосида ташкил этилиб, бўлажак офицерлар ўқув жараёнининг ўзида долзарб вазиятдан келиб чиқиб хизмат ўташлари учун зарур кўникмаларни эгаллаш кўзда тутилган.

Бакалавр даражасида ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги модели доирасида курсантларга хорижий тиллар, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект чуқур ўргатилади.

Қўмондонлик-штаб офицерлари учун илгор хорижий таълим ва замонавий қуролли туқнашувларни ўрганиш асосида илк бор уч босқичли янги ўқитиш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, сержантлар таркибини тайёрлаш кўлами ҳам кенгайтирилди. Асосий ангилликлардан бири — олий ҳарбий таълим муассасаларида сержантлар учун бакалавриятнинг олтинга фуқаролик мутахассислиги бўйича масофавий таълим йўлга қўйилди. Шунингдек, авиация ва учувчисиз учадиган аппаратлар мутахассисларини тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилиб, мазкур йўналишда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ўқитиш ва уларга ягона сертификат бериш тартиби жорий этилади.

ЎЗА

## АҲОЛИГА ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда жамоат транспортини янада яхшилаш ва бу борадаги ишларни жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда аҳолига қулай, хавфсиз ва экологик тоза жамоат транспортини хизматини кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, охириги уч йилда пойтахт ва вилоят марказларига 2 минг 650 та замонавий электробус ва автобуслар олиб келинди. Брутто-шартнома асосида 279 та мунтазам йўналиш йўлга қўйилди.

Натижада ҳар куни йўналишга чиқаётган автобуслар сони 3 минг 150 тага етди. Қурил қатновлар сони 2022 йилдаги 18 мингтадан 45,2 мингга, йўловчилар оқими эса 900 минг нафардан 2,3 миллион нафарга ошди. Шу орада 4,8 мингта янги иш ўрни яратилди.

Тақдимотда жамоат транспортини янада ривожлантириш бўйича навабатдаги вазифалар кўриб чиқилди. Урбанизация жараёни тезлашаётгани, пойтахт ва вилоят марказларига туташ ҳудудларда аҳоли ҳаракати кескин кўпайгани сабабли шаҳарларга киришда қатновлар 30 фоизга ошгани қайд этилди.

Шу муносабат билан шаҳар жамоат транспортини ягона агломерация тизимига ўтказиш тақдимот қилинди. Бунда шаҳарлар агрофидига 12 километргача бўлган ҳудудларга қатнайдиغان автобус йўналишлари ҳам брутто-шартнома тизими билан қамраб олинди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Назарбек, Шифобахш сувлар ва Уч Қаҳрамон ҳудудларини пойтахт билан боғлаш орқали автомобиллар оқимини камида 20 фоизга камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Умуман, пойтахтда 19 та, вилоят марказларида 79 та шундай йўналиш ташкил этиш режалаштирилган.

Пойтахт жамоат транспортини ва шаҳар атрофи темир йўл қатновларини ўзаро боғлаш мақсадида “электропоезд — автобус”, “электропоезд — метро” каби қулай тарифларни жорий этиш тақдимот қилинди.

Қолаверса, вилоят марказларида жамоат транспортини ҳаракат таркибини янгилаш зарурлиги таъкидланди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳудудларда яна 1,5 мингта катта ва ўрта ситимли автобусларга эҳтиёж бор. Шу боис, замонавий автобуслар олиб келишни рағбатлантириш, тадбиркорлар учун молиявий имкониятларни кенгайтириш, кредит линияларини йўлга қўйиш бўйича тақдимот қилинди. Жумладан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида автобусларни импорт қилишда утилизация йиғимидан озод қилиш мuddатини яна 2 йилга узайтириш тақдимот қилинди.

Тақдимотда автобус ҳайдовчилари учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини

яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда айрим ҳайдовчилар меъёрдан ортқ ишлаётгани хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ўтган йили пойтахтнинг ўзида ҳайдовчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва муомаласи юзасидан аҳолидан 1 минг 670 та шикоят келиб тушган. Автобуслар ишторида 109 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Шу муносабат билан брутто-шартнома тизимини такомиллаштириш, бир автобуска тўғри келадиган ҳайдовчилар сонини 2 нафардан 3 нафарга ошириш, ҳаракат хавфсизлиги ва хизмат маданиятини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Жамоат транспортини бажарилган иш ҳажми ва сифатини баҳолаш учун ҳар бир вилоятда диспетчерлик марказлари ташкил этилган. Бунинг натижасида ҳаракат жадвалига мувофиқ бажарилаётган қатновлар улushi 90 фоизга етди.

Энди ушбу тизимларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали йўловчилар оқимига мос равишда автобуслар ҳаракатини ташкил қилиш тақдимот қилинмоқда. Бу бир йўловчини ташкил таннаҳини 10-15 фоизга қисқартириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари жамоат транспортини ривожлантиришда аҳоли сони кўп

шаҳарлар билан бирга туризм марказларини ҳам қамраб олиш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд ва Намангани аҳолиси бир миллионлик шаҳарларга айлантириш бўйича белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, мазкур ҳудудларда аҳоли ва сайёҳлар учун замонавий “яшил транспорт” йўналишларини кўпайтириш бўйича аниқ мастер-режалар ишлаб чиқиш топширилди.

Охириги йилларда Хива шаҳрига туристлар оқими 3 қарра кўпайгани, бу эса қулай жамоат транспортга эҳтиёжни кескин оширгани қайд этилди. Шу боис, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон каби йирик туризм масканларида ҳам жамоат транспортини ривожлантириш дастурини бошлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз жамоат транспортини аҳоли кундалик ҳаёти сифати, шаҳарлардаги ҳаракат маданияти, экология ва иқтисодий фаоллик билан бевосита боғлиқ муҳим соҳа эканини таъкидлаб, мутасаддиларга транспорт хизматлари қулайлиги ва хавфсизлигини ошириш, йўналишларини агломерация тамойили асосида кенгайтириш, соҳада рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект ечимларини жорий этиш бўйича аниқ топширилди берди.

ЎЗА



## 1943 йил. САРСИЁ ВОКЗАЛИ

Отам гурунг берган, ўзи кўрган, гувоҳ бўлган уруш йиллари хотираларидан бир мунгли, дардли манзара ҳеч эсимдан чиқмайди. Бу воқеани отам биз уйимизда қотган нонларни молга, кучикка бераётганимизни кўриб, кейин дастурхон атрофида йўғилишиб ўтирганимизда гапни узокдан бошлаб айтиб берган.

— Нонга, насибага ҳеч вақт нописанд бўлмаганлар, — деганди отам. — Одамзоднинг бошига ҳар бало тушиши мумкин. Уруш экан-да, 1943 йил ярадор бўлиб, госпиталда даволанганимдан сўнг ярам оғир экан шекилли, уйга бориб келишимга руҳсат беришди. Келдим. Йўлхалтама яримта булка нон билан бир бонка дулланган гўшт. “Түшённа”, дейди-ку. Вокзалда жинжаги чиқиб кетган, юпун, муштипар аёлга кўзим тушди. Ёнида боласи ҳам бор, сагирадан ҳам баттар — иккови оч-наҳор, зор-зор термилди. Бир менга, бир йўлхалтама қарайди. Қарайди қалтирайди, қалтирайди қарайди. Ўзимни туттолмайди. Яраланган суякларим қайта ўқ егандай зирқираб кетди. Нон билан түшёнкани бердим. Камбағаллар бир қақшайди, бир қалтирайди. Нон тишлайди қалтирайди,

қалтирайди нон тишлайди. Ўзим дарё ёқалаб тахтакунжара чайнаб кетдим. Йўловчилар берган тахтакунжарани. Айтсам, ишонмай-сизлар. Итинг бошига солмасин у кунларни, итинг!.. 1943 йил Сарисие вокзалида отам иштирокида кечган бу маҳзун манзара, 1972 йил — бундан қирқ уч йил бурун отам бизга иборат учун нақл қилган бу изтиробли ҳолат оғир ва машаққатли уруш йилларининг жонли, мунгли кинолавахасидай ҳаётимизга бир умрга нақшланиб қолди. Дийдорлашув ва хўшлашувлар дунёсида отамдан бир эсдалик бўлсин деб кейинчалик бу лавҳани “Тўполондарё билан хайрлашув” дostonимга киритдим. Менинг кечиккан шеърин тазарруларимни тўғри тушунгайсиз, азиз ўкувчи.

Тинчликда кун кечирдим,  
 Ҳаётим-чун бежирим,  
 Ота, мени кечиринг!  
 Мусаффо осмон учун,  
 Миллионлаб қурбон учун  
 Яшолдимми эътиқодни  
 тирикликка кўчириб?  
 Ота, мени кечиринг!  
 Кўкрагимга санчилади  
 аламларнинг ханжари,  
 Кўряпман: зор кетяпсиз —  
 кўлингизда кунжара...  
 Ота, мени кечиринг!  
 Кечиринг, чун умрингизнинг  
 бори дарду ғам бўлди,  
 Нега бугун нон кўп, бирок  
 меҳру хотир кам бўлди?

Ному мансаб, шону шуҳрат  
 жонларига қурбонлар  
 Бериб, нечун инсонлигин  
 йўқотар бу инсонлар?  
 Сахро бўлиб ўтганларнинг  
 ёди мени ўртайди,  
 Дарё бўлиб ўтганларнинг  
 ёди мени ўртайди.  
 Шунинг учун кўз олдимда  
 тўлиб-тошиб хозир ҳам  
 ўтаверар Тўполондарё —  
 Ҳеч туганмас Хотира.

2015 (1985)

Сирожиддин САЙИД,  
 Ўзбекистон халқ шоири

## ЖЕРСИ ОРОЛИДА ЎЗБЕК АСКАРИНИ ҚУТҚАРГАН ОИЛА ВАКИЛЛАРИГА “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ

Британиянинг Жерси оролида Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар концлагеридан қочган ўзбек аскарни Фокжон Акрамовнинг ҳаётини сақлаб қолган Жон ва Филлис Эмили Ле Бретонлар оиласига Ўзбекистоннинг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени тантанали топширилди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида фашизм устидан қозонилган ғалабада улкан ҳисса қўшган инсонлар хотираси яна бир бор ёдга олинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши даврида содир бўлган ушбу воқеа орадан 80 йилдан ортқ вақт ўтган бўлса-да, халқлар ўртасидаги инсонийлик ва ўзаро меҳр тимсоли сифатида қадрланмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қарорига мувофиқ, Буюк Британия фуқаролари — марҳум Жон ва Филлис Эмили Ле Бретонлар “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчиси Равшан Усмонов Жерси оролига ташриф буюриб, мукофотни марҳум оиланинг фарзандлари — Далси ва Алан Ле Бретонларга тантанали равишда топширди.

Тақдирлаш маросими Далси Ле Бретон доволанаётган “Cheval Roc” қариялар уйида бўлиб ўтди. Унда муассаса раҳбарияти, маҳаллий аҳоли, “Jersey Heritage” ташкилоти вакиллари ҳамда “BBC”, “ITV” ва бошқа оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан муассаса раҳбари Ник Бетани британиялик оиланинг инсонпарварлигини юксак баҳолаб, Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди. Мукофотнинг Жерси ороли фашистлар истилосидан озод этилганининг 81 йиллиги арафасида топширилгани алоҳида рамзий аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

# ЖЕРСИ ОРОЛИДА ЎЗБЕК АСКАРИНИ ҚУТҚАРГАН ОИЛА ВАКИЛЛАРИГА “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Далси ва Алан Ле Бретонлар ота-оналари хотирасини илиқ сўзлар билан ёдга олиб, Ўзбекистон халқига самимий миннатдорлик билдирди. Улар фашизм бутун инсоният учун таҳдид бўлганини, галаба эса халқларнинг бирлиги ва ўзаро ёрдами туфайли қўлга киритилганини таъкидлади.

Шунингдек, улар Боқижон Акрамов ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашиб, оила аъзолари орасида “Том амаки” номи билан танилган ўзбек аскарлари меҳнаткашлиги, камтарлиги ва инсоний фаилатлари билан қисқа вақт ичида оиланинг меҳрини қозонганини қайд этди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошланган ушбу воқеа бугунги кунда Ўзбекистон ва Буюк Британия



**“Оддий ўқитувчи бўлиб ишлаган Боқижон Акрамов уруш бошлангач, армияга сафарбар этилган ва Украина фронтинга жўнатилган. Жанглardan бирида немис қўшинлари 12 минг совет аскарини қириб ташлаган. Боқижон Акрамов ва бошқа тирик қолганлар асир олинди, совет аскарлари қатори концлагерга жўнатилган.**

халқлари ўртасидаги дўстлик ва инсоний қадриятларнинг рамзига айланган. У “ВВС” ва Британиянинг бошқа етакчи оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди.

Жерси — Ла-Манш бўғозида жойлашган Нормандия оролларининг энг йириги бўлиб, 1940 йил июль ойида фашистлар

томонидан босиб олинган. У ерда ҳарбий инфратузилма ва ер ости bunkerлари барпо этилган.

Оддий ўқитувчи бўлиб ишлаган Боқижон Акрамов уруш бошлангач, армияга сафарбар этилган ва Украина фронтинга жўнатилган. Жанглardan бирида немис қўшинлари 12 минг совет аскарини қириб ташлаган. Боқижон Акрамов ва бошқа тирик қолганлар асир олинди, совет аскарлари қатори концлагерга жўнатилган.

1942 йил июль ойида у икки минг асир билан бирга Жерси оролига олиб келиниб, ер ости туннеллар қурилишига жалб этилган. Ойлаб давом этган очлик ва оғир синовларга қарамасдан, у асирликдан қочишга муваффақ бўлган.

Ле Бретонлар оиласи эса ҳаётини хавф остига қўйиб, қочқин аскарга ўз уйддан бошана бериб, уни деярли уч йил давомида фашистлардан яшириб келган. 1945 йил май ойида Боқижон Акрамов ўз Ватани — Ўзбекистонга қайтиб келган.

Жон ва Филлис Эмили Ле Бретонларнинг бу жасорати инсонпарварликнинг ёрқин намунаси сифатида абадий қадрланади.

“Дунё” АА Сент-Хеллер шахри

Бугуннинг гапи

# ТЕЖАШ, САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ

## РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

Глобал иқтисодий шароитида энергия ресурслари масаласи ҳар бир давлатнинг стратегик кун тартибига айланмоқда. Аҳоли сони ўсиши, sanoat ҳажми кенгайиши ва урбанизация жараёнилари бардолашуви натижасида ресурсларга талаб йил сайин ортиб бормоқда.

Бунда энергияни кўпроқ ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас, тежаш, самарали бошқариш ва ундан оқилона фойдаланиш тараққийнинг муҳим мезони айланди.

Энергияни тежаш иқтисодий ўсишни таъминлайди, харажатларни қисқартиради, экологик барқарорлиқни мустаҳкамлайди ва аҳоли фаровонлигини оширади. Мамлакатимизда ҳам мазкур йўналишда тизимли ва узоқни кўзлаган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг “2026 йилда энергия самарадорлигини янада ошириш, энергия ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Хужжат нафақат соҳадаги бугунги вазифаларни белгилаб бермоқда, балки келгуси тараққий учун мустаҳкам институционал ва технологик пойдевор яратмоқда.

— Бугун давлатимиз раҳбари ҳар бир фуқарога самарали, узуқимса энергия ресурсларини етказиб бериш билан бирга, ушбу ресурслардан иқтисодиётда ҳам оқилона фойдаланиш, сарфланган ресурслардан қўшилган қиймат яратиш борасида жуда катта вазифалар қўймоқда, — дейди Вазир-Лейб Мухаммад Хушроқов. Энергия самарадорлиги миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Обид Пардаев.

Урганишлар кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондаги биноларнинг бир квадрат метр майдонига йилга ўртача 350 кВт-соат энергия ресурслари сарфланади. Бу кўрсаткич бошқа мамлакатларга нисбатан жуда юқори. Масалан, Европа мамлакатларида бу кўрсаткич 95-100 кВтни ташкил этади.

Айни мақсадда фармонда қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, жорий йилдан бошлаб ҳар қандай қурилиш-таъмирлаш ишларида энергия самарадорлик тадбирлари устувор вазифа этиб белгиланди. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасидаги тўғричи гуруҳ харажатларининг камида 5 фоиз қисми ушбу ташкилотларнинг энергия самарадорлигини ошириш тадбирларига йўналтирилади.

Фармонда 2026 йилда 4,3 миллиард кВт-соат электр энергияси ва 2,8 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилиш белгиланди. Бунга иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектилари самарадорлигини янада ошириш, энергия тежовчи технологияларни ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш орқали эришиш кўзда тутилган.

— Хужжатда жорий йилда энергия самарадорлиги бўйича дастур ва аниқ чора-тадбирлар асосида 2,6 миллиард кВт-соат электр энергияси, 932 миллион метр куб табиий газни камида тартибдаги ва кўп квартирали уйлар, ижтимоий соҳа объектилари, ҳўжалик субъектиларида иқтисод қилиш ва йирик sanoat корхоналари кесимида бир бирик махсуслаштилари ишлаб чиқариш учун сарфланган энергия ресурслари микдорини камайтириш ҳисобига 1,6 миллиард кВт-соат электр энергияси ва 553 миллион метр куб табиий газни тежашини эришиш кўзда тутилмоқда, — дейди энергетика вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Маматқаримов. — Шунингдек, 1,3 миллиард метр куб газ йирик қувв ва шамол электр станцияларининг қўшимча ишлаб чиқариши, 35 миллион метр куб

# ЯХШИЛИК СОФИНИБ ЯШАШ САОДАТИ

Қашқадарёлик Рўзбой ота Сатторовнинг Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келганига саксон бир йил бўлди. Бу йил 116 ёшни қаршилаган нуруний фарзандлари, неварачеваралари қуршовида умргузаронлик қилмоқда. У юртимиз тинчлик ва халқимиз фаровонлигини сўраб дуо қилади. Ёнига ким келса, ушбу шуқуҳли кунлар қадрига етиш, бахтли яшаш сири халол меҳнатда эканини ўқтиради.



мутасаддилари ҳолидан хабар олиб туришдан мамнун. Бобо ўтган йили самолётда парвоз қилиш орзуси борлигини айтган эди. Шундан сўнг Президентимиз топириғига кўра, Рўзбой ота Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ҳаво кучларига қаршилик самолётда парвоз қилди. Бундан Рўзбой отанинг боши кўкка етган эди.

Шу ўринда кичик ҳаётий воқеани келтирсак. “Болалигимда бувим доим йўл қараб ўтирар, кечки пайтда дарвозани ёпмаслигимизни тайинларди, — дейди қўқдалалик муаллим Фарҳод Норқуллов. — Бу одатга кўникиб қолган бобом гоҳида “Уруш туганига элик халол бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари хотирланиб, оила аъзолари аҳволидан хабар олинмоқда. Фидойиларнинг ҳаёт йўли ўсиб келаятган ёшларга намуна қилиб кўрсатилади. Шу орқали навқирон авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсад қилинган.

Рўзбой ота бугун юртимизда яратилаётган имкониятлар, айниқса, кексаларга қаратилган эътибордан миннатдор. Нафақасини вақтида олиши, доимо туман, вилоят

керак. Шу маънода, Рўзбой ота Сатторов каби нурунийларнинг ҳаёт йўли биз учун ибрат мактабидир. Дориламон кунларда яшаётганидан мамнун қаҳрамонимиз ҳамон фарзандлари, нева ва чевараларига ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилишдан чарчамайди. Бобо 1910 йили ёз чилласида Қамани туманидаги Мангит қишлоғида туғилган. Рўзбой ота Сатторов айни кунга тўлиб, 29 ёшга дарвада ҳарбий хизматга чақирилди. Ўша даврда совуқ ўлкаларда икки йиллик ҳарбий хизматни ўтади. Хизматдан уйга қайтгач, кўп ўтмай, уруш хабари тарқалиб, Иккинчи жаҳон урушига сафарбарлик бошланди. Ҳали ўн гулдан бир гули очилган навқирон йигитлар фронт томон йўл олди. Совуқ урушнинг тафти Мангит қишлоғига ҳам кириб келди. Шу тарзда Рўзбой ота Сатторов биринчилардан бўлиб урушга чақирилди. Қишлоқнинг 25 йигити ҳўжалик идораси олдида саф тортиди. Қаҳрамонимиз уларга етакчи этиб тайинланди.

— Қишлоқдан йигирма беш йигит бўлиб йўлга чиққанди, — дейди Рўзбой ота. — Дастлаб ўқув машгулотларида иштирок этдик. Икки ой давомида оз-моз қурол

ишлатишни ўргатгач, уруш бўлаётган жойларга олиб кетишди. Совуқ қишнинг изгирини этти тешаман дейди. Биз — барча қишлоқдошлар бир эвзода эдик. Улар орасида душман ўқига дучор бўлганларнинг кўрдики... Олов ичидан омон чиқиб осон бўлгани йўқ. Ўзим ҳам икки марта яраландим. Тузалгач, яна урушга жўнатилавердим. 1939 йилда ҳарбий хизматини бошлаган бўлсам, 1945 йил ноябрда уйга қайтдим. Ўт ичидан қанча дўстларим жон фидо қилди. Оловли, қонга тўла оқопларда қолиб кетган вақтларимда, шу ерларда қолиб кетаманми, деб кўп ўйлардим. Бир мартагина бўлса-да, қишлоғимни кўраманми, дея ўйга ботардим. Шундай пайтларда Яратқандан яхши кунларга етказишини тилардим. Шукр, мана юртимизнинг жамолини кўриш насиб этди. Гоҳида мендан узоқ умр кўриш сирини сўрашади. Бунга яхшилик излаб, уни соғиниб яшашда деб жавоб бераман. Доим эртага, албатта, яхши бўлади, деган умид билан яшайдим. Шукрки, бугун шундай кунларда кексалик гаштини сурьяман. Етти фарзандим, нева, чевара ва эвараларим бор. Уларнинг қувнаб турган кўзларига боқсам, ўтган умримга ачинайман. Ростини айтсам, бундай тинч ва осуда замонда яшариб ашмамоқдам.

Нурунийлар ҳолидан хабардор бўлиш, уларнинг дуосини олиш халқимизга хос қадрият. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу қадрият тобора юксалиб бормоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар доим эътиборда. Шулар қаторида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳам.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Президентимизнинг шу йил 16 апрелдаги “9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Қашқадарё вилоятида қатор ишлар бажариламоқда. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк галабага улкан ҳисса қўшган фахрийлардан кўнгил сўралоқда. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халол бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари хотирланиб, оила аъзолари аҳволидан хабар олинмоқда. Фидойиларнинг ҳаёт йўли ўсиб келаятган ёшларга намуна қилиб кўрсатилади. Шу орқали навқирон авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсад қилинган.

## Нуқтаи назар

**Инсон зоти борки, орзу-хавас қилади, юксак марраларни кўзлаб режа тузади, оила қуради, янги кун, келажак учун пойдевор яратади. Аммо бу жараёнда Ўзгармас бир ҳақиқат борки, соғлигимиз мустаҳкам бўлмаса, уларнинг ҳеч бири маънога эга бўлмайди, татимайди.**

Дарҳақиқат, соғлиқ шунчаки неъмат эмас, у, аввало, маъно-моҳият нуқтаи назаридан ҳаётимиз устуни, қолаверса, жамият барқарорлиги, иқтисодий қудрат ва давлат тараққийини тўтиб турган стратегик пойдевордир. Шу боис, бугунги глобал кун тартибиде соғлиқни сақлаш тизими оддий харажатлар банди эмас, балки инсон капиталига йўналтирилган энг муҳим инвестиция сифатида талқин этилмоқда. Зеро, айнан соғлом инсонларгина кучли иқтисодиёт, барқарор жамият ва рақобатбардош давлатнинг энг асосий кучидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда эрта ўлим ҳолатларининг 70 фоизгача қисми юкумли бўлмаган касалликлар билан боғлиқ. Эрта ташхис ва сифатли бирламчи тиббий ёрдам орқали улардан сезиларли қисмининг олдини олиш мумкин. Жаҳон банки тадиқотлари кўрсатдики, тиббий хизматлар сифати ва улардан фойдаланиш имконияти ортиси меҳнат унумдорлигини 10-15 фоиз оширади.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик механизмларини фаол қўллаётган давлатларда инновацияларни жорий этиш суръати юқори, бундай давлатларда бюджет юкласи 20 фоизгача камаймоқда.

Шундай экан, тиббий хизматлар сифатини ошириш, соҳага хусусий секторни жалб этиш ва тиббий фаолиятини лицензиялаш масалалари то соҳавий сиёсат доирасидан анча кенг. Булар аҳоли умри давомийлиги, иқтисодий фаоллиги ва давлат рақобатбардошлигига

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ПОЙДЕВОРИ

**“Тақдиротда белгилаб олинган таклиф ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шу йил 5 май куни Президентимизнинг “Тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари эълон қилинди.**

босқични бошлаб берган эди. Натижада тиббий фаолиятин лицензиялаш тартиблари сезиларли даражада соддалаштирилди, хизматлар сифати бўйича шаффоф ва ягона талаблар жорий этилди. Бу эса хусусий секторнинг салмоқли қисмини соядан чиқариб, уни умумдавлат соғлиқни сақлаш тизимига интеграция қилиш имконини берди. Муҳими, сўнгги ўн йил ичида соғлиқни сақлашнинг мутлақо янги модели шаклланди.

Соҳада кечаётган янгиланишлар, аҳоли талаби ва замон талабларига мослашиш йўлидаги ислохотлар алоҳида тақдирот ва видеоселектор йиғилишларида, Президентимизнинг ҳудудларга ташрифлари чоғида мунтазам таҳлил қилиб бориламоқда. Жумладан, жорий йил 1 май куни бўлиб ўтган тақдиротда тиббий хизматлар сифати ва хусусий секторнинг ўрни билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда аҳолига малакали ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, соҳада бошқарув самарадорлигини ошириш, хусусий сектор имкониятларидан кенгрок фойдаланиш ҳамда ҳудудларда тиббиёт инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича изчил ишлар қилинаётгани қайд этилди.



Тақдиротда белгилаб олинган таклиф ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шу йил 5 май куни Президентимизнинг “Тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари эълон қилинди.

Соҳада хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон билан ушбу йўналишнинг асосий мақсадлари белгилаб берилди. Унга кўра, эндиликда хусусий клиникалар давлат тиббиёт муассасалари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорга айланмоқда.

2030 йилга бориб, тиббий хизматлар кўрсатишда хусусий сектор уларнинг 30 фоизга етказиш белгилади. Бу нафақат давлат зиммасидagi юкни камайтириш, балки соҳага инвестиция ва замонавий менежментини олиб кириш демакдир.

Хужжатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб хусусий клиникаларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан беморларни доволашга рухсат

берилади. Энди бемор ўзи истаган, сифат яхшироқ бўлган шифохонани танлайди, пул эса Давлат тиббий суртаси жағғармаси орқали ўша шифохонага ўтказилади. Бу тиббиёт муассасалари ўртасида бемор учун ҳақиқий ижобий рақобатни бошлаб беради.

Яна бир муҳим жиҳат. 2027 йил 1 майдан бошлаб аккредитациядан ўтган давлат тиббиёт ташкилотларига инсон аъзоларини трансплантация қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Фармон доирасида белгиланган тадбирларнинг ўз мuddатида амалга оширилишини таъминлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, тиббий фаолиятин лицензиялаш ва аккредитациялаш тизимининг шифофлигини ошириш ҳамда уни босқичма-босқич халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида Президентимизнинг “Тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам имзоланди.

Қарор билан 2030 йилга қадар 3000 дан ортққ давлат тиббиёт муассасасини лицензиялаш талабларига мослаштириш; барча давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун ягона талаблар ўрнатиш; тиббиёт ташкилотларининг ахборот тизимларини ягона талаблар асосида рақамли соғлиқни сақлаш платформасига интеграция қилиш; тиббий хизматларни кўрсатиш жараёнига камида 75 та миллий аккредитациялаш стандартини жорий қилиш; кўрсатилаётган тиббий хизматлар ва уларнинг сифатини электрон тизим орқали назорат қилиш механизмларини жорий этиш; тиббиёт ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва аккредитациялаш тартибларини такомиллаштириш орқали кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ками асосий мақсадлар белгиланди.

Умуман, мазкур хужжатлар яқин йилларда шифохоналардаги навбатларни камайтириш ва инсон қадрининг тиббий хизматлар миқсолида янада юксалишига пойдевор бўлиши билан аҳамиятлидир.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА, Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори



# ТАМАДДУН



## тафаккури

Бу экспонатларнинг ҳар бири — буюк ўтмиш ва маданиятимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли эканини таъкидлаш лозим. Уларнинг барчаси замонлар синовидан мардона ўтиб келаётган халқимиз, миллатимизнинг онгу тафаккури, бунёдкорона меҳнати, ноёб маҳорати ҳақида сўзлайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Янги Ўзбекистон руҳи

# ДУНЁНИНГ ЯНА БИР МЎЪЖИЗАСИ

Қадим ва табаррук заминимиз бағрида улкан мақсадлар билан бошланган, ҳар бир кунига юраклар кўри тўқилган, меҳр булоқларидан сув берилган, эътиқод ва садоқат нурларидан ёғду сочилган улкан бунёдкорлик лойиҳаси ниҳоясига етди. Бу яратувчанликни инсоният ва Ватанимиз тарихи саҳифаларига ҳеч муболағасиз, фахр билан АСР ВОҚЕАСИ сифатида қайд этиш мумкин.



Мунаввара УСМОНОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

Самарқанддаги Регистон майдони ва Улуғбек мадрасаси аъёнлари билан уйғунлашган бу дарвоза сайёҳларни узун тасаввур йўллари орқали бир пайтлар дунё тамаддунини юксалтирган маърифат оламига етаклайди. Пештоқда битилган “Ўқи” деган муборак оят эса барча замон ва тўфонлардан омон ўтиб келаётган эътиқодимизнинг ўлмас тимсолидек намоён бўлади.

Бу маҳобатли залга қадам қўйган инсон ўзини асрлар қаърига олиб борувчи сирли даргоҳда тургандай ҳис этади. Нақшкор эшикларда йиллар давомида сайқалланб борган ва вақт синовиغا бардош берган ўзбек ҳунармандчилигининг нозик диди ҳамда юксак маҳорати акс этади. Зал атрофини қуршаб турган равоқлар шунчаки меъморий элементлар эмас, балки ҳар бири бир тарих, бир тақдир ва бир даврнинг шақллари муҳрланган нафасдир. Уларни кузатар экансиз, рангтаसरлар орқали ўтмишимизга буюклик мақомини бахш этган алломаларимиз ва бошқа тарихий шахслар тасаввуримиз кўзгусида гавдаланади. Уларнинг унутилмас сиймоси, китоб, илм ва бошқа шакллари қолдириган мероси гўё бизга яна бир бор топириллаётгандай ўзимизни бурчли ҳис қиламиз.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари гўё бир-бирига қўл узатгандай. Бу ерда тафаккур осмонимизнинг юлдузлари — Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий ва Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларнинг сиймоси нур сочиб туради. Уларнинг нигоҳидаги донишмандлик, инсониятга ҳароратли меҳр ва юксак рух бизни бу буюк аждодларимиз билан фақат жонимиз ва қонимизгагина аён бўлган кўринмас ришталар орқали янада маҳкам боғлайди. Муҳаммад Хоразмий гўё рақамлар тилида яшаш қондилари ва ривожланиш омилларидан сабоқ бераётгандек туюлади. Унинг алгебрага асос солган тафаккури бугун ҳам тараққийоти бошқариб турибди. Аҳмад Фарғоний бобомизнинг тафаккур кучи нафақат она заманимиз, балки бутун Шарқ учун хизмат қилган. Дехқончилик ҳам унинг илмга асосланган тавсиялари билан ривож топган. Имом Бухорий ва Имом Термизий каби алломаларимизнинг илмий заҳмати ҳосиласи бўлган бу бебаҳо мерос ислом олами учун доно мударрис вазифасини ўтайди. Абу Али ибн Сино нафақат табиб, балки улуг мутафаккир ҳамдир. Унинг асарлари инсон вужуди ва руҳининг бир бутунлигини уқтирувчи ва бунга ишонтирувчи муҳим манба сифатида намоён бўлади. Шон-шараф залида инсон фақат томошабин бўлиб қолмайди. У бу ерда буюклик, сабр, илм ва инсон ақлининг чексиз имкониятларига гувоҳ бўлади.

Аллома Абу Райҳон Беруний сиймоси гўё коинот сирлари ҳақида пичирлаб тургандай. У оддий асбоблар билан Ернинг ўлчамини аниқлаб, чексизликни англашга интилган инсон тафаккурининг рамзи сифатида намоён бўлади. Унинг қарашларида заҳматга бардош берган ирода, қийинчиликлардан ғолиб келган маънат мужассам. Ёнида эса Жалололдин Мангуберди — жасорат ва ор-номус тимсоли. Унинг қиёфасида беқиёс шиддат, қорачиқларида эса озолик учун ёнган олов бор. У тарихда фақат жангчи сифатида эмас, балки Ватанга садоқат ва миллат ҳурлиги учун курашнинг тирик намунаси сифатида абадий қолган. Музейга муҳташамлик бахш этиб турган яна бир бетимсол сиймо бор: бу Соҳибқирон Амир Темурдир. Унинг қиёфасида кучли саркардаларга хос салобат ва



жасорат, нигоҳида эса буюк давлат барпо этиш мақсади билан боғлиқ довроқлик акс этади. У барпо этган империя фақат кенг худудлар билан эмас, балки адолат, қатъий тартиб ва илм билан ҳам мустаҳкамланган эди.

Зал равоқларидаги яна бир нозик, аммо теран маънавий олам — тасаввуф руҳи инсон қалбини осойишталик оламига олиб киради. У эътиқот қалбини абадий ва ўткинчилик, фано ва бақо ҳақидаги теран фикрларга туташтиради. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубро каби мутасаввифларнинг илмга таяниб чизган руҳий йўллари орқали инсон қалбини поклаш ва руҳини юксалтириш каби поқиза тасаввур оламларига кириб борилади. Улар сўз билан эмас, қалб билан таялим берган буюклар эди.

Юқорида эса юлдузлар тилини англаган улуг зот — Мирзо Улуғбек сиймоси намоён бўлади. У барпо этган расадхона ва тузган жадваллар гўё осмон билан ер ўртасидаги сирли боғлиқлик калитидек туюлади. Унинг илми миллат ва халқ тафаккури юксалиши йўлида ҳеч қачон танлаш қилмай, толиқмай ва жонини қўриқиб қилиб бўлмайди. У сўзга жон берган, тилга қанот бахш этган буюк бобомиздир. Унинг иқодида нафақат шеърят, балки бутун туркий миллатнинг руҳи мужассам.

Залда оғир, аммо шарафли бир сукут бор — бу жадидлар сукути. Улар илм, маърифат ва озолик учун курашган, аммо замон ва тузум шафқатсизлиги, истибод зулми қурбонига айланган буюк зиёлилардир. Уларнинг нигоҳида ҳурлик ордуси, юзида — қатъият, тақдирда эса фидойилик мужассам. Бу сурачлар шунчаки чизилмаган, улар ҳис қилинган. Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Алиқуллов бошчилигидаги

ижодкорлар бу чизиларга жон бағишлаган. Ҳар бир чизикда меҳнат, ҳар бир рангда фикр мужассам.

Саёҳат давом этади. Марказнинг қоқ юрагида шундай маскан бор, унга қадам қўйган инсоннинг одими беҳтиёр секинлашади, иложи борича сокин бўлиши келади. Бу — Қуръон қарим зали. Зал марказида эса бутун ислом оламнинг бебаҳо маънавий дурдониси — VII асрда қўлда кўчирилган машҳур Усмон Мусҳафи турибди. Унинг сукутида асрлар овози муҳаммад. Ҳазрати Усмон ибн Аффон даврида муқаддас Қуръонни асраб қолиш ва ягона шаклга келтириш мақсадида олти нусхада кўчирилган. Бу тарқалган ислом дунёсининг турли ҳудудига тарқатилди. Аммо улардан бири, энг азизи халифанинг ўзида қолди. У бу мусҳафни нафақат сақлади, балки унинг руҳи билан яшади. Уни доим мутлола қилди, ундан нур олди. Лекин вақт ўтиб, тақдирнинг оғир синовларига дучор бўлди. 656 йили Мадинада исён кўтарилиди ва исёнчилар Халифа Усмоннинг юйига бостириб кирди. Айнан шу пайтда у Қуръон тиловат қилаётган эди. Шу вақтда исёнчилар халифани қилич билан яралаб, ҳалок қилди. Ҳазрати Усмоннинг муборак қони айнан ўша китобга сачради. Бу воқеа тарихда ўчмас из қолдириди. Халифанинг қони айнан ўзи мутлола қилаётган мусҳаф саҳифаларига томди. Бу ислом тарихидаги оддий воқеа эмас, балки илоҳий каломга садоқат ва иймон йўлидаги қурбонликнинг абадий рамзи эди. Бугун сиз кўриб турган мусҳафда ҳам ана шу қон доғлари сақланиб қолган. Улар — тарих гувоҳи, сукут ичидаги буюк ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатларни эшитиб, асрлар давомида қанчадан қанча инсоннинг қорачиғида ёш ҳалқаланган бўлса, айни дамда ҳам эътирозчилар бу тарихни кўзида ёш билан тингламоқда.

Марказдаги деворларни шунчаки девор деб атагани келмайди. Чунки улар — вақтнинг ўзгаси. У — ўтмишдан келажакка қўзилган 250 метри тоҳира йўли. Бу девор олдидан ўтган инсон шунчаки юрайди, балки вақт бўйлаб саёҳат қилади. Чунки бу ерда 3000 йиллик давлатчилик тарихи жонланади. Министорлар ва маҳобатли рангтаसरлар орқали ўтмиш гўё қадам ташлаб, бугунга келиб қолгандек бўлади. Девор бўйлаб жойлашган экспонатлар, қадимий

тангалар, хариталар ва интерактив намоишлар эса бу саёҳатга жон бағишлаб, таъсирчанлигини оширади. Бу йўл энг қадимий манбадан бошланади. Исломдан аввалги давр — йиллар оша гурқираб кетган инсоният даракларининг илдизлари, маданиятнинг илк нафаси. Бу ерда Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Чоч ва Фарғона каби қадимий ўлкалар ўтмишдаги ҳаётини кўз ўнгимизда яна бир бор яшаб ўтаётгандай туюлади. Қадимги савдо йўллари эса тақдирларни куёш тарафга етаклаб кетаётган кўринмас иллардек тасвирланади.

Навоий вилоти заминидagi Сармишсой қоятош сурафлари инсон хотирасининг энг қадимий бугу ҳайкалчаси. Уч минг йиллик тарихга эга бу петроглифлар гўё тошга муҳрланган ҳаётдир. Бу ерда минглаб таърирлар — оғир, яшаш учун кураш ва ирода кучининг турфа кўринишлари акс этган. Улар гарчи садосиз бўлса-да, бу сассизлик ичида “биз ҳам бор эдик” деган кучли ҳайқирик яшириндек. Қўларимиз қўтилмаган яна бир ҳайрат билан тўқнашади. Қадимий бугу ҳайкалчаси. Уч минг йиллик тарихга эга бу бронза асар нафақат бетакрор ҳунармандчилик намунаси, балки инсон қалбида бутун эмас, балки азалдан мавжуд бўлган ўзалик туйғусининг нишонидир. Ундаги нафислик гўё замонларга буй бермасдан тирик қолган. Бугу тимсоли эса туркий халқлар учун азалдан ҳаёт давомийлиги ва авлодлар узвийлигининг рамзи бўлиб келган. Бу образ ҳатто адабиётда ҳам яшайди — Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асаридagi Она бугу сингари.

Аждодларимизнинг турмуш тарзи, меҳнат манзаралари, орзулари ва курашлари турли видеолавҳалар орқали жонланади. Қадимги шаҳарлар, ҳунармандчилик, ёзув ва санъат — барчаси яхлитлик касб этади. Ҳар бир чизги катта бир халқ тарихининг ажралмас парчаси бўлиб кўринади. Бу деворда озолик учун кураш ҳам бор. Қадим манбаларда тилга олинган Тўмарис, Широқ ва Спитамен каби қаҳрамонларнинг жасорати замонлар эса ўчмаган олов каби қалбларга ҳарорат беради. Вақт девори олдда инсон бир улуг ҳақиқатни англаб етди: биз фақат бугундан иборат эмасмиз, балки минг йиллар давомида шаклланган хотира, ирода ва буюк руҳ меросимиз.

Саёҳат яна давом этади ва биз яна бир буюк заминга қадам қўямиз. Бу — Қадимги Хоразм. У — цивилизация гулҳанининг илк учкунлари сачраган макон. Дунёдаги энг қадимий маданий марказлардан бири сифатида тарих ва бугун ўзининг муносиб ўрнига эга. Бу ерда илк шаҳарлар қад ростилашган, илк ёзувлар пайдо бўлган. Инсон ўз тарихини ёза бошлаган. Қадимий қалалар эса тарихнинг турфа кўринишларида яшаб келаётган содиқ кўриқчилардек қад ростлаб турибди. Хоразм — ер билан суҳбат қурган замин. Бу ерда инсон сувни бошқаришни ўрганган, Амударёдан сув чиқариб, қақраган ерга ҳаёт бахш этган. Дехқончилик фақат касб эмас, балки тириклик манбаи бўлган. Бу залда яна бир муқаддас манба — “Авесто” саҳифалари ҳам акс эттирилган. Зардуштийлик руҳи, қадимги шаҳарлар макети, оссурийлар — буларнинг барчаси инсоннинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги тушунарларини янада бойитиб, тараққийлаштириб боради. Ривоятларга кўра, Зардушт ҳам айнан шу заминда туғилган...

Экспозицияда теурийлик маликалар — Сароймулхоним, Гавҳаршодбегим сингари тарихий шахсларнинг эр кишилар қаторида масканга фойз бахш этиб туриши “Аёл — заифа” қабилидаги бирёқлама қарашлар устидан чиқиб тортади. Бу манзара юртимизда аёл ва она мақоми ҳақида баланд бўлганини яққол далиллайди. Экспозициянинг муҳим жиҳати — у Иккинчи Ренессансдан кейинги даврни узилиш эмас, балки давомийлик сифатида талқин қилади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарларидаги меъморий обидалар, ўзига хос адабий муҳит ва илм-фан аъёнлари бу тарихий жараённинг узлуксизлигини таъминлаб келган.

Хусусан, Қўқонда шаклланган адабий муҳит, Амир Умархон даврида ижод қилган Нодира, Увайсий, Дилшоди Барно каби шоирлар, Хивада Муҳаммад Раҳимхон ва Исломуҳжа каби ислохотчи арбоблар фаолияти бу даврни фақат сиёсий эмас, балки маданий-маърифий жараён сифатида баҳолашга асос беради. Шунингдек, экспозицияда Марказий Осиёнинг бошқа халқлари вакиллари — Махтумқули, Фузулий, Абай, Тоқтоғул, Садриддин Айний, Ажинеъи каби мутафаккирлар меросининг ҳам қамраб олинishi халқимизга хос бағрикенглик фазилатини яққол намоён этади. Бу эса заминимизда “дўст” ва “қардош” тушунарлари ҳақида алоҳида қадрга эга бўлган, шунингдек, бу тушунарда деворлар ўтиши билан бирга улғайиб борганини тасдиқлайди.

“Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” экспозицияси ушбу тарихий давомийликнинг мантйқий яқини сифатида намоён бўлади. Бу ерда мамлакатимизда сўнгги йиллардаги ислохотлар — иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, таълим ва маданият соҳаларидаги ўзгаришлар яхлит тизим сифатида кўрсатилади. Барча жараённи бирлаштирувчи асосий ғоя эса инсон қадрини юксалтиришдир. Ўтмиши буюк миллатни порлоқ келажак сари бошлашдек улуг мақсад йўлида эришилаётган ҳайратомуз муваффақиятлар ўтмишдан ва шонли тарихдан куч олиб чиққан сайёҳнинг кўз ўнгига янги орзу уфқларини очади. Айниқса, бу сайёҳ мана шу марказда мужассам бўлган шонли тарих ва бутуннинг фарзанди, унинг ажралмас бир парчаси бўлса, кўксида ўзидан-да кучли, ўзидан-да мақсади улкан ва ўзидан-да орзулари ёрқин бутунлай бошқа бир юрак уйғонади.

Миллатнинг буюк фарзандлари фақат ўзлари яшаган давргагина эмас, балки ўзларидан кейин ҳам бутун инсониятни яхшиликлар атрофида бирлаштирадиган деган фикрни кўп эшитганмиз. Тарихда ва бугунимизда миллатимизга куч-қудрат, фахр ва ифтихор бахш этиб келган улуглар ҳам бўлган бу буюклик маскани ҳам нафақат Ватанимиз — Ўзбекистоннинг, балки эзгуликка интилувчи бутун инсоният учун ахшилик меҳварни бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**ЭЪТИРОФ**

**ДОВРУҒИ ДУНЁДА ДОСТОН**

Барри ФОР,  
Сейшел Республикаси ташқи ишлар ва  
диаспора вазир:




— Иккиланмасдан айта оламнки, марказни барпо этиш ташаббуси узоқни кўра олиш иқтидорининг амалий натижаси. Менда бу ерда бир кун эмас, балки бир неча кун қолиб, цивилизацияни янада чуқурроқ ўрганиш истаги пайдо бўлди.


Марказда намойиш этилаётган ҳар бир экспонат алоҳида эътиборга лойиқ. Айниқса, тахминан 3000 йил аввал яратилган бугу ҳайкали катта ҳайрат уйғотди. Қадим замоннинг бундай санъат асарининг давргача етиб келиши ва уни сақлаб қолганингиз бу — катта ютуқ.

“Фахрий меҳмонлар китоби”да бундай битик қолдирдим: “Марказ Ўзбекистон халқига ва бутун дунёга тақдим этилган улкан совға!”.


\*\*\*  
Хелен Санд АНДРЕСЕН,  
Норвегиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва  
мухтор элчиси:



— Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази мен кутганимдан анча юқори даражада экан. Мажмуа юксак дид ва пухта ўйланган ёндашув асосида барпо этилгани яққол сезилиб туради. Энг муҳими, бу маскан барна ёш тоифаларини — болалардан тортиб, кекса авлод вакилларигача ўзига жалб қила олади. Бу ерда ҳар ким ўзи учун қизиқарли ва мазмунли жиҳат топади. Айниқса, интерактив ёндашув таршиф буюрувчини фаол ўрганишга ундайди.



Мен илгари ушбу минтақада бир неча йил яшаганман ва Марказий Осиё тарихи ҳақида етарлича тасаввурга эгаман деб ўйлардим. Бироқ бугунги таршиф давомида жуда кўп янги маълумотларга эга бўлдим. Шу жиҳатдан, марказ тарихий меросни асраб-авайлаш ва уни замонавий шаклда келажак авлодларга етказишнинг ёрқин намунасидир.



Фикримча, бу маскан муҳим бир ҳақиқатни яққол намоян этади: тараққиёт, илм-фан ва билим тинчликсиз мавжуд бўла олмайдми. Жамиятда барқарорлик ва инсонлар учун муносиб шароит яратилган бўлиши зарур — оддий меҳнатқашлардан тортиб олимларгача. Айнан шундай муҳитда инсоният тараққиёт этади: ҳамкорлик орқали, ўтмишни унутмасдан, тарихни асраб, биргаликда олдинга интилиш орқали.

\*\*\*  
Жорди ГРЕЙТ,  
Буюк Британиянинг The Independent нашри  
бош муҳаррири:




— Экспозициялар жонли ва қизиқарли. Олим, санъаткор, файласуфлар ва дин тарихи бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда намойиш этилгани маскан моҳиятини ўзига хос тақдим қилган. Айниқса, интерактив технологиялар, экранлар ва ҳаракатланувчи экспонатлар орқали тарихни нафақат кўриш, балки уни ҳис қилиш имконияти мен учун жуда қизиқ бўлди. Бу эса музейни янада тушунарли ва таъсирчан қилади.




Шунингдек, Лондонда сақланган ва аслида шу ерда яратилган ноёб ашё ва матолаҳнинг ўз ватанига қайтарилганини кўриш жуда қувонарли ҳолат. Бу каби ёндашув маданий меросга бўлган эътиборни янада кучайтиришга хизмат қилади.

\*\*\*  
Муҳаммад Шафрий Муҳаммад РАҲИМ,  
Малайзия технология университети  
профессори:



— Марказда маълумотлар жуда аниқ, тушунарли ва юқори даражада тақдим этилди. Ҳикоя қилиш услуби орқали Марказий Осиёда ислом тамаддунининг ривожланиши изчил оқиб берилган ва бу таршифни оддий томошадан кўра чуқур билим олиш жараёнига айлантиради. Шу билан бирга, марказда жамланган материаллини уни бошқа музейлардан ажратиб туради. Яратилган имкониятлар инсонга нафақат маълумот беради, балки уни чуқурроқ англашга ёрдам беради.



Ушбу маскани халқаро илмий платформа сифатида баҳолаш мумкин. Чунки бу ерда тамаддун тараққиётига оид жуда кўп ва қимматли маълумотлар жамланган. Бу каби ёндашув бугунги ва келажак авлод учун ҳам катта аҳамиятга эга.



Марказнинг Гиннеснинг рекордлар китобига киритилгани муносиб эътироф. Чунки бу ерда тарихнинг мазмуни ва тақдим этилиш услуби, айниқса, замонавий технологиялардан фойдаланилиши уни бошқа музейлардан ажратиб туради. Яратилган имкониятлар инсонга нафақат маълумот беради, балки уни чуқурроқ англашга ёрдам беради.

**Боқий мерос**



Жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётган ушбу мактаб маънавий-маърифий фаолияти, аҳамияти ва айна пайтдаги ўрни ҳақида хаттот Ҳабибулло Солиҳ фикрлари билан қизиқдик.

**ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДА ХАТТОТЛИК МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

— Ислон цивилизацияси маркази ҳузурида фаолият бошлаган Хаттотлик мактаби бугун жамоатчилик ва ёшларни қай даражада қизиқтира оляпти?

— Ислон цивилизацияси маркази нафақат мамлакатимиз, балки дунё жамоатчилиги эътиборидаги улкан мегалойиҳа. Унинг ҳузурида очилган Хаттотлик мактаби эса аждодларимиздан мерос бўлган ёзув санъатини қайта тиклаш, асраб-авайлаш ва ёш авлодга етказишга хизмат қилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, хаттотлик санъати йўқолиб кетмаслиги, балки ривожланиши ва кенг оммага ўргатилиши шарт. Ана шу эзгу ғоя асосида мазкур мактаб фаолияти йўлга қўйилди.

Бугун мактабга қизиқиш катта. Расман фаолият бошлаганига ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, рўйхатдан ўтганлар сони алақачон мингдан ошди. Улар орасида ёшлар, ўрта ёшлилар, шунингдек, катта ёшдагилар ҳам бор. Бу хаттотлик санъати қизиқиш жамиятининг турли қатламларини қамраб олганини кўрсатади.

— Қадимий санъатга асосланган мактаб қандай тарихий мерос ва маънавий қадриятларга таянади?

— Юртимиздан етишиб чиққан буюк хаттот ва алломалар жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Улар яратган қўлёзма ва ёзув намуналари бугун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Шу нуқтага назардан, хаттотлик санъатини қайта тиклаш фақат маданий ташаббус бўлиб қомай, тарихий хотира ва миллий ўзлигини англаш билан боғлиқ муҳим жараёндир. Мактаб айнан шу бой меросни қайта жонлантириш ва тизимли равишда авлодларга етказишга хизмат қилади.

— Таълим жараёни қандай мазмун ва услубларга асосланади? Унинг ўқувчилар ҳаётига таъсири ҳақида нималарни айтиш мумкин?



— Албатта, мактабдаги таълим жараёни анъанавий ва замонавий ёндашувлар уйғунлигига асосланган. Бу ерда нафақат хат ёзиш техникаси, балки хусниҳат маданияти, эстетик дид ва сабр-тоқат каби фазилатлар ҳам шакллантирилади. Таълимнинг бепул экани ҳам кенг жамоатчилик учун катта имкониятдир. Турли касб эгалари, айниқса, илгари бу санъатни ўрганиш имконига эга бўлмаганлар бугун ушбу дарсларда фаол иштирок этмоқда.

Айрим ҳолатлар эса мактабнинг чуқур маънавий таъсири яққол намоян этади. Масалан, нурунийлардан бири узоқ йиллик орзусини амалга ошириш мақсадида мактабга келиб, катта ҳажон билан таълим жараёнига қўшилди. Бу каби мисоллар хаттотлик мактабининг инсон ҳаётида руҳий

уйғониш ва маънавий қаноат манбаи бўлаётганини кўрсатади.

— Мактабнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи ҳақида қандай фикр билдирасиз?

— Мактаб фаолияти халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. У халқаро хаттотлик мактаби сифатида эътироф этилиб, ўқув жараёнини хорижий мутахассислар ҳам юқори баҳолади. Айниқса, халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиши ташаббуснинг аҳамиятини янада оширди. Бу эса Ўзбекистонда маданий меросни асраш ва дунё миқёсида тарғиб этиш борасидаги ишлар самарадорлигини кўрсатади.

Мактабнинг очилиши маросимида иштирок этган халқаро экспертлар ҳам давлатимиз раҳбарининг

ташабусларини юқори баҳолади. Жумладан, Ислон тарихи, маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази — IRCICA директори Махмуд Эрол Қилич ислом хаттотлигининг жаҳон маданиятидаги ўрни, юксак эстетик ва маънавий қимматини алоҳида таъкидлади. Туркия қўлёзмалар бошқармаси директори Жошқун Йилмас эса Сулаймония кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзмалар ҳақида маълумот бериб, уларнинг ҳам теурийлар даврини ҳақиқий интеллектуал ва маданий уйғониш даври сифатида баҳолади.

— Фаолиятни янада ривожлантириш бўйича қандай истиқболли режалар кўзда тутилган?

— Келгусида фаолият кўламини янада кенгайтириш, замонавий ва инновацион таълим дастурларини жорий этиш режалаштирилган. Хусусан, онлайн таълим платформаларини ишга тушириш орқали хорижий ўқувчиларни жалб этиш мақсад қилинган. Бу орқали хаттотлик санъатини нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш имконияти ҳам янада ошади.

— Қизиқувчан ёшларга қандай маслаҳатлар берамиз?

— “Амаллар ниятга боғлиқдир” деган ҳикматда чуқур маъно мужассам: инсоннинг келажаги унинг нияти, қамоли эса амаллари билан белгиланади. Бугун юртимиздаги улкан ислоҳотлар, маънавий уйғониш ва тараққиёт жараёналари ҳам ана шундай эзгу ниятлар самараси эканини англаш қийин эмас. Аждодларимиз, азиз авлиёлар қолдирган бой маънавий мерос, уларнинг орзу-интилишлари ва меҳнатлари бугунги фаровон ҳаётимизга муштаҳам замин яратди. Шу боис, ҳар биримиз ўз соҳамизда сидқидилдан меҳнат қилиб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур.

Дурдона РАСУЛОВА суҳбатлашди.

**Тасниф**

**Иккинчи Ренессанс экспозицияси**  
Амир Темур ҳукмронлиги ва Ўзбек хонликлари давридаги маданий-маърифий ҳаёт ҳақида ҳикоя қилади. Унда Сохибқирон даврига оид кашфиётлар ва илмий ютуқлар харитаси намойиш қилинган. Бунда ирригация-муҳандислик кашфиётлари, меъморчилик, китобат, илм-фан, ислом илмларига оид кашфиётлар алоҳида ўрин тутади.



**ИККИНЧИ РЕНЕССАНС ЭКСПОЗИЦИЯСИ**

“Вақт девори”да Амир Темур ва теурийлар даврида яратилган қўлёзмалардан олинган миниатюралар, уларда акс этган тарихий шахслар сиймосини кўриш мумкин. Шунингдек, турли экспонат, нумизматика намуналари, харита, видеоролик, интерактив ўйинлар жойлаштирилган.

Залда Шахрисабздаги Оқсарой, Дорус саодат, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбаралари макети бор. Бронза шамдон нусхаси ҳам бир пайтлар Амир Темур буйруғига асосан табризлик уста томонидан ясалган ва Туркистондаги мақбарага ўрнатилган.

Экспозиция учун Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ёзишмалари нусхалари тайёрланган. Маълумки, Испания элчиси Клавихо Амир Темур билан юзма-юз учрашган, эсдаликлариди уни адолатли ҳукмдор, илм-маърифат ҳойиис сифатида тасвирлаган. Марказ ва WOSCU мутахассислари ҳамкорлигида ушбу эсдаликнинг совғабоп нусхаси тайёрланган.

Амир Темур секторида 1533 йилда кўчирилган ва айна пайтда АҚШнинг Балтимор университетиди сақланаётган “Зафарнома” миниатюралари, “Темур тузуқлари” қўлёзмасининг Санкт-Петербург Шарқ қўлёзмалари институтиди сақланаётган, XVIII асрга оид факсимиле нусхалари, миниатюралар қўйилган.

“Меъронома” асари 1434 йили эски ўзбек тилида, аммо уйғур ёзувида ёзилган. Франция Миллий кутубхонасидан ушбу қўлёзма нусхаси олинди. Шохруҳ Мирзо секторидан ушбу асарда келтирилган миниатюра ҳам ўрин олган.

Витринада Қуръони каримнинг теурий шахзода Иброҳим султон кўчиртирган, олтин суви билан безатилган нусхасини кўрасиз. Муқаддас китобнинг шахзода томонидан кўчирилган бир қанча қўлёзмалари мавжуд. Улардан бири Нью-Йорқдаги Метрополитен музейиди сақланади. 2025 йил августда ушбу Қуръони каримнинг бир факсимиле нусхаси Эрондаги Остони Кудс кутубхонасидан олиб келинган.

Мирзо Улугбек секторида сунъий интеллект асосида яратилган лойиҳа бўйича махсус экрандаги аждодимиз сиймоси билан тўрт тилда савол-жавоб қилиш мумкин. Мирзо Улугбек залида расадхона макети ва интерактив лойиҳаси, бу ерда ишлатилган ускуналар, ушбу даврга мансуб кулолчилик буюмлари ва қўлёзмалар билан танишиш мумкин.

Хуросон секторида Россиядаги Шарқ қўлёзмалари институтиди сақланадиган Ҳусайн Бойқаро девонининг факсимиле нусхаси чоп этилиб, кўргазмага қўйилган. Шунингдек, экспозицияда Алишер Навоий тасвирланган миниатюралар, шоир қўлёзмалари, чоп этилган асарлари намойиш қилинмоқда.

2022 йилда WOSCU томонидан дунёда илк бор Камолдин Бехзода тегишли деб қараладиган 80 дан ортиқ миниатюра тўпланиб, “Монийн хижолатда қолдирган Бехзода” номли китоб-альбом чоп этилди. Экспозициядан Бехзодининг Туркиядан топилган автопортрети, миниатюралари, қўлёзмаларининг факсимиле нусхалари ҳам ўрин олган.

Теурий маликаларга бағишланган залда уларнинг давлат бошқарувидаги мавқеи кўрсатилган. Биҳихоним қиёфасини ишлашда Президентимиз тавсиясига кўра маликанин бош кийими, кийимлари ранги, бўй-баста айнан испан элчиси Клавихо тасвирлагандек бўлишига эътибор берилди.

Гавҳаршодбегим, Тегинабегим, Сароймулкхоним монолоҳлари ҳам таршиф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Музейда Бобур ва бобурийлар меросига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўша даврга оид қўлёзмалар, қурол-аслаҳалар, шахсий буюмлар, чодир қисми, кийимлар кўрсатилган. Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг махсус экранда сунъий интеллект орқали жонлантирилган сиймоси ҳам келувчилар билан мулоқотта киришади.

Ақсарият тарихчилар теурийлардан сўнг Иккинчи Ренессанс ўз якунига етган деб билади. Аммо иланишлар шайбонийлар, аштархонийлар ва бошқа сулолалар теурийлар даври маданиятини давом эттиришга ҳаракат қилганини кўрсатади. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива сингари шаҳарларда яратилган маданият, тарихий, илмий ва адабий асарларда ҳам теурийлар бадаларига тақдид яққол сезилиб туради.

Экспозицияда ўтган асрнинг 70-йилларида турли минтақалар бўйлаб намойиш қилинган, машҳур италян коллекционерни Игназио Вокка тегишли ўзбек кашталари коллекциясини кўриш мумкин. Айна пайтда бу кашталар Ўзбекистондаги энг қадимий каштачилик намуналаридир. Бу ердан Тошкент, Шахрисабз, Нурота, Самарқанд каштачилик мактабининг XVIII-XIX асрларга оид тарихий дурдоналари ўрин олган.

Шунингдек, экспозицияда Махтумқули, Фузулий, Бердақ, Токтоғул, Абай, Аҳмад Дониш, Мирзо Жалол, Садриддин Айний, Ажиний сингари алломалар меросига ҳам жой ажратилган.

Давлатой МУРОДОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

# ЖАМИЯТНИНГ ЎЗИНИ АНГЛАШ ЖАРАЁНИ

## шахс ва давлат ўртасидаги масъулият мувозанати орқали қарор топади

Дунёда ўхшаши кам маҳалла модели даврлар доводидан омон ўтиб келаётган кўнра ва айни вақтда янгича мазмун билан бойиб, жамият салоҳиятини ичкаридан мустаҳкамлаб, ривожлантиришга асосланган ўзига хос ижтимоий тузилмадир. Бугун маҳалла иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг бошланғич нуқтаси сифатида қаралмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 февралдаги “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармони доирасида белгиланган асосий вазифалар ана шу стратегик ёндашувнинг мантикий давомидир.



Шарҳ



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ушбу жараённинг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчи ўз қобилиятини амалий фаолият орқали баҳолай олади. Тест ва замонавий интерфаол усуллар орқали касбий мойилликни аниқлаш механизмлари жорий этилади. Зеро, замонавий иқтисодиёт шароитида билим билан бир қаторда шахсий салоҳият, фикрлаш услуби, мослашувчанлик даражаси ҳал қилувчи омиллардан. Илмий асосланган диагностика усуллари эса ўқувчиларнинг қайси йўналишда самарали фаолият юрита олишини аниқлашга хизмат қилади. Эрта касбий йўналтириш тизими ҳудудий ривожланиш билан ҳам узвий боғлиқ. Ҳар бир вилоятнинг саноат профили, ишлаб чиқариш салоҳияти, хизматлар бозори эҳтиёжи инобатда олинган ҳолда кадрлар тайёрланади. Шу билан бирга, “Касблар шаҳарчалари” мактаб, техникум, маҳалла ва иш берувчилар ўртасида узвий ҳамкорлик муҳитини юзага келтиради.

Бу борада кўпинча эътибордан четда қолдирган яна бир жиҳат бор — муайян касбни расмий таълим муассасаларида эмас, балки мустақил равишда, амалий фаолият жараёнида ўрганиш амалиёти. Қурилишда ишлайётган ёшлар, хизмат кўрсатиш соҳасида тажриба орттириётганлар, устaxonаларда, кичик корxonаларда, оилавий бизнесда меҳнат қилаётган минглаб инсонлар реал малакага эга бўлса-да, уларнинг билим ва кўникмалари кўпинча ҳужжат билан тасдиқланмаган ҳолда қолмоқда. Шу сабабли бундай фуқаролар меҳнат бозорига ўз салоҳиятини тўлиқ намойён эта олмайдилар, барқарор иш топишда қийинчиликларга дуч келади, малакасига мос даромадга эришолмайдилар. Айнан мана шу муаммо фармонда белгиланган малака сертификатлаш тизимини жорий этиш ташаббусининг асосий сабабларидан биридир.

2026 йилдан бошлаб ҳар бир ҳудуднинг саноат иқтисослашувчи, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сусиятларидан келиб чиқиб, 24 та малакани баҳолаш марказини ташкил этиш режалаштирилган. 60 та долзарб касб бўйича баҳолаш воситалари ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтказилади. Шу билан бирга, 120 нафар баҳоловчи экспертнинг малакаси оширилади ва профессионал экспертлар корпуси шакллантирилади. Мустақил касб ўрганиб, молиявий имконияти чекланган фуқаролар учун малакани баҳолаш харажатлари ва ваучер тизими асосида Бандликка кўмаклашчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Аҳолига 100 дан ортиқ касб бўйича мустақил билим олиш имкониятини яратадиган “Касбий ривожланиш платформаси” ишга туширилмақда. Платформада ўқув материаллари, видеодарслар, симуляцион машқлар жойлаштирилади ҳамда ўқиш якунида сертификат бериш тизими жорий этилади. Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, Рақамли технологиялар вазири, Миграция агентлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг электрон платформалари янага “Касбий ривожланиш платформаси”га интеграция қилинади.

Платформанинг муҳим жиҳатларидан бири ўрганилаётган касбни симуляцион машқлар орқали ҳам эгаллаш имкониятини яратишидир. Виртуал муҳитда ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш, техник қурilmалар билан ишлашни машқ қилиш,

шу моделга яқинлашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Мактаб битирувчиларининг аксарияти узоқ вақт давомидан олий таълимни ягона муваффақият мезони сифатида қабул қилиб келган. Оқибатда олий таълимга қира олмаган минглаб ёшлар аниқ касбий йўналишсиз қолиб кетган, вақтинча ишларга, норасмий бандликка ёки миграцияга йўналган. Бу ҳолат ёшлар салоҳиятини тўлиқ намойён бўлишига тўсқинлик қилган.

Шу сабабли фармонда ёшларни техникумларга онгли ва тизимли равишда йўналтириш алоҳида устувор вазифа сифатида

бўлмаган 200 мингга яқин ўқувчини касбга ўқитиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, доимий даромад манбаи бўлмаган, замонавий меҳнат бозори талабларига мослашишда қийналаётган қатлам учун ҳам алоҳида имтиёз ва имкониятлар яратиш назарда тутилмоқда. Унга кўра, 400 минг банд бўлмаган шахс ҳамда кам таъминланган оилаларнинг ишсиз аъзоси касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади. Банд бўлмаган шахслар ва ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари

кадрлар ва иш ўринлари ўртасидаги мослик даражасини оширади.

Фармонда битирувчиларнинг ишга жойлаштириш жараёни устидан автоматлаштирилган мониторинг тизимини жорий этиш ҳам белгиланган. Ушбу механизм орқали қайси таълим муассасасининг битирувчилари қаерда ва қандай шароитда иш бошлаётгани, қайси йўналишларда муаммолар мавжудлиги мунтазам таҳлил қилинади. Бу маълумотлар асосида таълим дастурларини такомиллаштириш, янги йўналишларни очиб, мавжудларини янгилаш имконияти яратилади.

“Карьера” платформаси орқали 1,6 миллион талаба ва битирувчи учун касб танлаш ҳамда иш топиш имкониятини кенгайтириш режалаштирилган. Шу билан бирга, 50 мингдан ортиқ иш берувчини платформага интеграция қилиш кўзда тутилган. Техникум битирувчилари орасидан камида 150 минг нафари учун муносиб иш топиш шароитлари яратилади. Мазкур тизим меҳнат бозорига ишонч муҳитини шакллантиради. Битирувчи ўз билим ва кўникмаларига таянган ҳолда иш топишига ишонди, иш берувчи эса номзоднинг тайёргарлик даражасини аниқ кўра олади.

Касбий таълимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан реал ишлаб чиқариш муҳити билан қанчалик узвий эканлига ҳам боғлиқ. Мазкур йўналиш доирасида касбга ўргатиш учун техникум ўқувчиларини ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим солиқ имтиёзлари жорий этилмоқда. Хусусан, техникум битирувчиларини ва ўқувчиларини ишга қабул қилган тадбиркорларга ўқувчиларга тўланадиган иш ҳақидан олинадиган ижтимоий солиқнинг 1 фоиз ставка бўйича тўлаш ҳуқуқини 2030 йилгача узайтириш назарда тутилган. Ушбу механизм бўйича тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилади.

### Касбий йўналтиришнинг эрта босқичда йўлга қўйилиши

Меҳнат бозорига кўнра яққол ташланаётган муаммолардан бири ўсиб келаётган авлоднинг касб танлаш борасида аниқ тасаввурга эга бўлмадан вояга етишидир. Айнан шу ҳолат уларга эрта босқичдан қизиқишларига



белгиланди. Ушбу сиёсатнинг марказида 11-синф битирувчилари билан индивидуал ишлаш механизми туради. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб олий таълимга қизиқиши юқори бўлмаган ўқувчиларни аниқлаш тизими жорий этилади. Мазкур тизим орқали

учун касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорлик бўйича таълим берувчи давлат ҳамда нодавлат муассасалари рўйхати шакллантирилади. Шу билан бирга, мазкур тоифа учун қисқа муддатли ўқув курслари дастурлари ишлаб чиқилади.

Албатта, касбий таълим тизимининг якуний натижаси диплом билан белгиланмайди. Унинг ҳақиқий самарадорлиги битирувчининг қанчалик тез ва барқарор тарзда меҳнат бозорига кириб бориши, ўз мутахассислиги бўйича муносиб иш топа олиши билан намойён бўлади. Агар таълим жараёни иш билан таъминлаш механизмлари билан узвий боғланмаган бўлса, энг пухта тайёрланган кадр ҳам узоқ вақт иш излаш ҳолатида қолиб кетиши мумкин. Шу сабабли фармонда битирувчиларни меҳнат бозорига олиб чиқиш жараёнини рақамлаштириш ва тизимлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур йўналишда энг муҳим ташаббуслардан бири 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб “Карьера” электрон платформасини ишга туширишидир. Ушбу платформа олий ва касбий таълим ташкилотлари талабалари ҳамда битирувчиларини иш берувчилар билан бевоқиф рақамли меҳнат бозори вазифасини ўташи лозим. Унинг асосий вазифаси таълим тизими билан реал иқтисодиёт ўртасидаги узиллишни бартараф этишдан иборат.

“Карьера” платформаси орқали талабалар ва битирувчилар ўз малакаси, билим даражаси, қизиқишлари, амалий тажрибаси ҳақида тўлиқ маълумот жойлаштирилади. Иш берувчилар эса мавжуд вақант иш ўринлари, талаб этилаётган компетенциялар, иш шароитлари ҳақида очиқ ахборот тақдим этади. Платформанинг муҳим жиҳатларидан бири сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишидир. Мазкур технологиялар орқали талабалар ва битирувчиларнинг қобилияти, ўзлаштириш даражаси, қизиқиш йўналишлари таҳлил қилинади ҳамда уларга мос иш ўринлари тавсия этилади. Иш берувчиларга эса энг муносиб номзодлар танлаб берилади. Бу ёндашув тасодиқий танловларни камайтиради,

### “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”

Бугунги иқтисодий муҳит тезкор ўзгаришлар билан характерланади. Ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилиб, рақамли бошқарув тизимлари кенгаймоқда, хизмат кўрсатиш стандартлари янгилашмоқда. Педагоглар доимий равишда ўз билимининг янгилаб бормаса, таълим тизимининг реал иқтисодий жараёнлардан узилиб қолиши эҳтимоли юқори. Шунинг учун малака оширишни аънъанавий, даврий ва формал жараён сифатида эмас, балки узлуксиз ривожланиш механизми сифатида ташкил этиш зарурати юзага келган.

Фармонга мувофиқ, масофавий ва аралаш шаклда ташкил этиладиган малака ошириш курслари улшини 22 фоизга етказиш режалаштирилган. 2026 йил март ойдан бошлаб масофавий малака ошириш курслари учун махсус ўқув контентлари ишлаб чиқилади. Контентлар замонавий педагогик методлар, ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар, амалий машғулотларни ташкил этиш усуллари ҳамда баҳолаш механизмларини ўз ичига олади.

Масофавий ва аралаш шакл жорий этилиши таълим жараёнини янада мослашувчан қилади. Ҳар бир педагог ўз иш жадавали ва шахсий имкониятидан келиб чиқиб малакасини оширади. Уч ёшгача фарзанди бор, ногиронлиги мавжуд, нафақа ёшига етган бошқарув ва педагог кадрлар учун ҳам шароит яратилади. 2026 йил декабр ойига қадар мазкур тоифадаги ходимлар эҳтиёжига

“

Фармонда битирувчиларнинг ишга жойлашиш жараёнлари устидан автоматлаштирилган мониторинг тизимини жорий этиш ҳам белгиланган. Ушбу механизм орқали қайси таълим муассасасининг битирувчилари қаерда ва қандай шароитда иш бошлаётгани, қайси йўналишларда муаммолар мавжудлиги мунтазам таҳлил қилинади. Бу маълумотлар асосида таълим дастурларини такомиллаштириш, янги йўналишларни очиб, мавжудларини янгилаш имконияти яратилади.




### Ёшларнинг “Карьера” си

Дунё таълим тизими тажрибаси кўрсатадигани, барқарор иқтисодий ривожланишга эришган давлатларда касбий таълим умумтаълим мактабларидан кейинги “иккинчи даражали танлов” сифатида қаралмайди. Аксинча, Германия, Швейцария, Жанубий Корея каби мамлакатларда техник ва касбий таълим ёшларни меҳнат бозорига олиб кувчи асосий платформа саналади. Ўзбекистон шароитида ҳам сунгги йилларда айнан

ҳар бир битирувчи учун энг мақбул таълим йўналишлари тавсия этилади. “Касб танлаш ҳафталиги” тадбирлари мактабларда тизимли равишда ўтказилиб, ўқувчиларга турли касбларнинг реал мазмунини, меҳнат шариоити, ривожланиш истиқболлари, даромад манбалари ҳақида батафсил маълумот берилади. Техникумларда ўқитиладиган мутахассисликлар амалий мисоллар орқали тушунтирилади, муваффақиятли мутахассислар ҳаётий тажрибаси билан ўртоқлашади.

2026 йил май-август ойларидан эътиборан техникумлар фаолияти билан яқиндан таништириш ишлари кенгайтирилади. Режа-мувофиқ, 2026/2027 ўқув йилида техникумларда ўқиш истагида бўлган ёшларни қабул қилиш жараёни кенг қўламда амалга оширилади. Олий таълимга кириш истагида

кўра конкрет илмий асосга эга йўл-йўриқ бериш, яъни касбий йўналтиришни мактаб давридаёқ бошлаш заруратини юзага чиқарди. Фармонда белгиланган “Касблар шаҳарчалари” ташаббуси ана шу бўшлиқни тўлдиртишга қаратилган тизимий ечимдир. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарь, Самарқанд, Фарғона вилоятларида ташкил этиладиган “шаҳарчалар”да ўқувчилар тўғрисидаги реал ишлаб чиқариш жараёнини, техник ускуналари, устaxonадаги меҳнат муҳитини, хизмат кўрсатиш соҳасининг ички механизмларини ўрганиши мумкин.



мазкур нашрлар Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлат бошқаруви, ҳарбий санъат ҳамда илм-фан ва маданият ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини замонавий илмий ёндашув асосида ёритиб бериши билан халқаро илмий ҳамжамият учун қимматли манба бўлишини қайд этдилар.

Mueller & Schindler корпорациясида ўтказилган учрашувда эса давлатимиз раҳбарининг махсус Сўзбошиси билан Тошкентда чоп этилган “Темур тузуқлари” асарини испан тилига таржима қилиш ва нашр этиш бўйича келишувга эришилди.

“Улуғ Амир ва донна Мария” фильмининг Мадрид шаҳридаги “Palacio de Hielo” кинотеатрида ташкил этилган тақдироти мамлакатимизда тарихий меросни тиклаш, миллий ўзликни англаш, Ўзбекистон ва Испания маданий алоқаларини ривожлантириш масалаларига катта аҳамият берилётганига эътибор қаратилди. Ушбу фильм Барселона шаҳридаги машҳур “Cinemes Girona” кинотеатрида ҳам тақдирот қилинди. Унда испаниялик томошабинлар билан бирга Барселона шаҳрида истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳам иштирок этди.



## СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ ЯНА ҒАРБ НИГОҲИДА

Жорий йилда машҳур давлат арбоби, енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 690 йиллиги мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда. XIV асрда, ғоят мураккаб бир даврда юртимиз ҳудудиди миллий давлатчиликни қайта тиклаб, ватан озодлиги йўлида улкан жасорат кўрсатган буюк аждодимиз асос солган қудратли салтанат жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган.

Шунинг учун Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти салкам етти асрдан буён дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида Амир Темур ва теурийларга бағишлаб минглаб бадий, илмий ва санъат асарлари яратилган ва бу ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Кейинги йилларда Амир Темур ва теурийлар меросини чуқур ўрганиш, уни юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Жорий йилда давлатимиз раҳбари томонидан Соҳибқирон Амир Темурнинг 690 йиллиги муносабати билан алоҳида қарор қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ижодкорларимиз томонидан янги илмий ва бадий китоблар, фильм ва спектакллар, тасвирий санъат асарлари яратилмоқда. Хусусан, буюк аждодимизнинг машҳур “Темур тузуқлари” асари янгида нашр этилди. Теурийлар тарихи давлат музейи замонавий талаблар асосида тубдан қайта тасвирланиб, бу масканда илму маърифат, янги ғоялар ва тадқиқотлар учун шароитлар янада кенгайтирилди.

Пойтахтимизда Амир Темур ва теурийлар Ренессансига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда юртимиз олимлари билан бирга дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган атоқли тарихчилар, шoir ва адиблар, маданият ва жамоат намоёндалари ҳам иштирок этгани халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятига жаҳон миқёсида қизиқиш ва эътибор тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ушбу нуфузли анжуман қатнашчилари янги Ўзбекистонда Амир Темур ва теурийлар меросининг умумбашарий цивилизация тарихидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, уни юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш борасидаги ишлар натижасида инсоният тарихининг буюк саҳифаларидан бири бўлган теурийлар даври мероси бутун яна дунё нигоҳида эканини эътироф этди.

Апрель — Амир Темур ойлиги давомида мамлакатимиз ва чет элларда юқори даражада ташкил этилган кўплаб илмий конференциялар, маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар бунинг яна бир амалий ифодаси бўлди.


Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда дунёнинг тараққиёт марказлари ҳисобланган АҚШ, Испания ва Буюк Британия каби мамлакатларда машҳур аждодимиз ва у зот қолдирган бой меросга бағишлаб ўтказилган илмий ва медиаанжуманлар, жонли учрашув ва давра суҳбатлари, янги фильм ва китоблар тақдиротлари Ғарб олами зиёлилари, умуман, кенг жамоатчилигида улкан эътибор ва қизиқиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кино санъати тарих ҳақиқатини инсонлар онга ва қалбига етказишнинг энг табиричан воситаси. Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган “Тирик тарих” дастури доирасида “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган “Улуғ Амир ва донна Мария” бадий

фильми премьералари ушбу ранг-баранг тадбирларнинг асосий маданий воқеасига айлангани бежиз эмас.

Фильмининг Вашингтон штати АҚШ Давлат департаменти ходимлари, сиёсатшунос олимлар, тарихчи ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Жорж Вашингтон университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ўзбек диаспораси намоёндалари ҳамда ватандошларимиз иштирокида бўлиб ўтган расмий тақдиротида ҳам аини шу жиҳат яққол сезилиб турди. Маросимда таъкидланганидек, ўзбек санъат усталари билан бирга, Буюк Британия, АҚШ, Бразилия, Франция, Италия, Туркия, Япония каби мамлакатларнинг таниқли ижодкорлари, жумладан, Хуан Касильяс, Оскар Форонда сингари испаниялик маҳоратли актёрлар ҳам қатнашган мазкур фильмда Амир Темур салтанатининг Европа давлатлари билан дипломатик алоқалари, ўша даврдаги сиёсий муносабатлар, маданий ҳамкорлик ва цивилизацияларнинг ўзаро мулоқоти маҳорат билан ёритилган.

Картина намойишидан аввал Амир Темур ва теурийлар даврининг дунё цивилизацияси тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилган океанотри мухлисларига ўрта асрларда Осиё ва Европа китталарида кечган ҳамда дунёнинг сиёсий ва ҳарбий архитектурасига узоқ йиллар давомида таъсир кўрсатиб турган тарихий воқеалар руҳини яқиндан ҳис қилиш имконини берди.



иштирокида Испаниянинг Мадрид, Гренада, Севилья ва Барселона шаҳарларида бўлиб ўтган илмий-маърифий тадбирлар ҳам Марказий Осиё тарихий меросини тарғиб қилиш ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Мадриддаги “Casa Atabe” араб маданият марказида делегацияси аъзолари Испаниядаги элчихонаси, Ўзбекистондаги Ислмо цивилизацияси маркази ҳамда Кинематография агентлиги ҳамкорлигида “Буюк теурийлар тарихи ва маданий мероси” мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этилди. Илмий-академик жамоатчилик вакиллари, маданият ва санъат намоёндалари, халқаро экспертлар, хорижий давлатлар элчилари иштирок этган анжуманда Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни, теурийлар Ренессансининг илм-фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси, янги Ўзбекистоннинг бой ва қадимий маданий меросини асраш ва тарғиб этишига қаратилган савий-ҳаракатлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

— Бундай лойиҳалар ёш авлодга ўз тарихини чуқурроқ англаш ва теурийлар маданиятининг асрлар давомидаги ривожланишига кўрсатган таъсирини кенгроқ контекста кўриш имкониятини беради, — деди Франциядаги Теурийлар ассоциацияси

Тақдиротларда сўзга чиққанлар фильмда Амир Темур сиймосининг янги қирраларини очишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаб, картина нафақат тарихий воқеаларни қайта жонлантиргани, балки ўша олис давр руҳини, халқлар ўртасидаги муносабатлар моҳиятини чуқур ҳис этиш имконини ҳам берганини ургულди.

Мамлакатимиз делегацияси аъзоларини Испанияга ташриф давомида бу тарихий факт ҳам бир неча бор тилга олинди. Жумладан, ёзувчи Хесус Санчес Адалид ҳамда сценарист ва продюссер Алехандро Олвера билан учрашувда “Клавихо” бадий-публицистик фильмининг ҳамкорлигида яратилган юзасидан фикр алмашилди.

Гренада шаҳри юртимиз вакиллари билан бирга ташриф манзили бўлди. Бу ерда Евро-Араб олий тадқиқотлар жағмармаси вакиллари билан учрашув ўтказилди. Жағмарма Европа Иттифоқи ва араб-муслмон дунёси давлатлари ўртасида маданий-гуманитар алоқаларини ривожлантиришга ихтисослашган халқаро ташкилот бўлиб, ўз фаолиятида таълим дастурларини қўллаб-қувватлашга, маданий хилма-хиллик ва диний радикаллашувнинг олдини олишга доир қўшма лойиҳаларга асосий эътибор қаратади. Учрашувда Жағмарма фондарида сақланаётган, юртимизга дахлдор манбаларни биргаликда ўрганиш ва илмий истеъмолга киритиш, жумладан, Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур салтанатига саёҳати тарихи билан боғлиқ қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилётгани, дунёдаги ҳозирги ғоят мураккаб даврда айнан таълим, маърифат ва маданият ёш авлодини бузувчи ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишнинг асосий воситасига айланаётгани таъкидланди. Ўзбекистондаги Ислмо цивилизацияси маркази фаолияти ҳам шу эзу мақсадларга қаратилгани эътироф этилди. Шу боис, томонлар ўзаро таъжриба алмашиб, илғор халқаро амалиётни ўрганишдан манфаатдор экани, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва таълим дастурларини амалга ошириш бўйича ҳамкорликка тайёрликларини билдиришди.

Мамлакатимиз делегациясининг Буюк Британияга ташриф маданий воқеаларга

“ Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти салкам етти асрдан буён дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида Амир Темур ва теурийларга бағишлаб минглаб бадий, илмий ва санъат асарлари яратилган ва бу ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

бой кечди. Кинематография агентлиги директори вазифини бажарувчи Шухрат Ризаев бошчилигидаги делегация Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўзбек маданияти ва санъатини тарғиб қилиш, инглиз киностудиялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар ўтказди.

Британия коллекцияларида сақланаётган, Ўзбекистонга оид китоб ва альбомлар тақдироти ташкил этилди.

Лондоннинг “Regent Street Cinema” кинотеатрида “Улуғ Амир ва донна Мария” бадий фильми намойиши бўлиб ўтди. Намойишда 200 га яқин хорижий меҳмон, жумладан, Буюк Британия лордлари ва парламент аъзолари, Вестминстер университети раҳбарияти, дипломатик корпус вакиллари, хорижда меҳнат қилаётган ва ўқитган ватандошларимиз қатнашди.

Вестминстер университети ректори, профессор Петер Бонфилд ушбу тарихий фильмини томоша қилиб, Амир Темур шахси ва унинг Европада тутган ўрни ҳақида жуда кўп янги маълумотларга эга бўлганини билдирди. Мураккаб сюжетли ушбу тарихий фильмининг суратга олган киноижодкорлар маҳоратига юқори баҳо берди.

Буюк Британияда яшаётган ўзбек ёшлари ва ватандошлар бундай фильмлани чет элларда кўпроқ намойиш этиш кераклигини, улар хорижда истиқомат қилаётган юртдошларимизга ватанга муҳаббат ва аждодларга эҳтиром ҳиссини янада ошишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Тадбирлар доирасида Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигини тарғиб этувчи киномаҳсулотлар платформасини яратиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси, Ислмо цивилизацияси маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида Амир Темурга бағишланган медиаанжуман ўтказилди.

Ислмо цивилизацияси марказининг халқаро аукцион уйлари ва артефактларни сотувчи дилерлар билан ҳамкорлик бўйича махсус комиссияси аъзоларидан иборат делегация Буюк Британияда бўлиб ўтган Ислмо мероси ҳафталиги доирасида Sotheby's, Christie's аукционларидаги Ўзбекистоннинг маданий мероси билан боғлиқ артефактлар савдоларида иштирок этди. Ушбу аукционларда Ўзбекистон маданий меросига алоқадор бўлган 29 та лот учун кураш олиб борилди ва уларни харид қилиш ҳуқуқи қўлга киритилди. Мазкур артефактларнинг 8 таси турли даврларга тегишли Курьон

қўлэмалари, 1 таси нодир қўлэма, 6 таси бобурийлар даврига мансуб тасвирий санъат асари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг маданий меросга қарши жиноятларга қарши кураш гуруҳи томонидан Лондонда ўтказилган махсус операция доирасида қўлга олинган 10 та ноёб тарихий артефактни Ўзбекистонга бегараз топшириш маросими ҳам ўтказилди.

Буюк Британиянинг нуфузли сиёсат ва маданият намоёндалари, Лондон полицияси ва божхонаси вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этган ушбу тадбирда бу ноёб артефактларни мамлакатимизга қайтариш ҳақидаги қарорга юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида маданий меросни ўрганиш ва сақлаш бўйича юритилаётган давлат сиёсати асос бўлгани алоҳида эътироф этилди.

Мазкур нодир осори атиқалардан 2 таси сополдан, яна 2 таси гипсдан ясалган ҳайкал бошлари бўлиб, тахминан милодий II-V асрларга, Қушон подшолиги давридаги Гандҳара маданиятига мансубдир. Артефактларнинг 5 таси милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарига тегишли деворий суратлар парчалари бўлиб, уларда ўша пайтлардаги аждодларимизга қиёфалари ва тарихий жараёнлар акс этган.

Шунингдек, артефактлар орасида қора тошдан ишланган қабртош ҳам бўлиб, аштархонийлар даврига мансуб, 1642 йилда вафот этган сарой амалдорларидан бирига тегишли экани аниқланди. Ушбу артефактларнинг барчаси юртимизга олиб келинди. Тарихий адолат қарор топди.

Дарвоқе, Соҳибқирон бобомиз ўз салтанатини адолат ва қонун устуворлиги таъминлаши асосида бошқарган эди. Ота юрти Шахрисабзда ўзи бунёд эттирган гўзал меъморий обида — Оксарой пештоқиқа “Адолат давлатининг асоси ва ҳукмдорлар шириндир”, деган сўзларни ёздириган эди. Бу ҳикматли сўзлар бутунги кунимиз учун ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Чунки тинчлик ва адолат ҳукм сурган жойдагина илм-маърифат, санъат, адабиёт ва маданият тараққиқ топади. Халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ривожланади.

Шу маънода, буюк аждодимиз ва унинг шонли сулоласи томонидан яратилган теурийлар Ренессанси мамлакатимизда янги Уйғониш даври пойдеворини яратишда биз учун катта ишонч, илҳом ва куч-ғайрат манба бўлиб хизмат қилаётгани ҳам, эндиликда яна Шарқ ва Ғарб оламида муҳокамалар майдонига чиққани ҳам табиий ва қонуний тарихий жараён ҳисобланади.

Олим ТўРАҚУЛОВ

